

Date: 27<sup>th</sup> October-2025

**“СУНЪЙ ИНТЕЛЛЕКТ СУДЛОВИ” —СУД ИШЛАРИДАГИ ЯНГИ  
ЁНДАШУВ**

**Дониёр Олтинбоев**

НамДУ юридик факультети Жиноят ҳукуки ва процесси  
кафедраси уқитувчиси  
e-mail: oltinboyevd@gmail.com

**“Рақамли суд” – замонавий технологияларни ва сунъий интеллектни суд тизимида жорий қилиш орқали суд ишларини тезлаштириш, самарадорлигини ошириш ва шаффофлигини таъминлашга йўналтирилган янги ёндашувдир.**

**Аннотация:** Мақолада суд ҳокимияти, судлар фаолиятида очиклик ва шаффофлик, фуқаронинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатлари, одил судловга эришиш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, илғор халқаро стандартлар жорий Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида, «Инсон кадри учун» ғояси, халқ манфаати ва инсон кадр-қиммати, суд тизимида бўлган ишончи, судларнинг ҳолислиги, судлар фаолиятини тўлиқ рақамлаштириш, сунъий интеллект технологияларини жорий этиш, идоралараро электрон маълумот алмашинуви яхшилаш, суд мажлисларида масофадан туриб иштирок этиш, сунъий интеллект, суд жараёнларини тезлаштириш ва самарадорлигини ошириш, суд тизимидаги маълумотларни таҳлил қилиш, AI алгоритмлари ёритилган.

**Калит сузлар:** суд, тараққиёт, стратегия, ҳокимият, одил судлов, инсон, кадр, тараф, тенглик, ҳолислик, қонун, сунъий интеллект, электрон маълумот, суд мажлиси, дахлсизлик, муомала маданияти, мурожаат.

**Аннотация:** В статье рассматриваются судебная власть, открытость и прозрачность деятельности судов, права и законные интересы гражданина, достижение справедливого судебного разбирательства, реформирование судебной системы, внедрение передовых международных стандартов в стратегию развития нового Узбекистана, идея «За достоинство человека», интересы народа и человеческое достоинство, доверие к судебной системе, беспристрастность судов, полная цифровизация деятельности судов, внедрение технологий искусственного интеллекта, совершенствование межведомственного электронного обмена данными, удалённое участие в судебных заседаниях, искусственный интеллект, ускорение и повышение эффективности судебных разбирательств, анализ данных в судебной системе, алгоритмы ИИ.

**Ключевые слова:** суд, развитие, стратегия, власть, справедливый суд, человек, достоинство, сторона, равенство, беспристрастность, закон, искусственный интеллект, электронная информация, судебное заседание, иммунитет, культура общения, апелляция.



Date: 27<sup>th</sup> October-2025

**Abstract:** The article discusses the judicial power, openness and transparency in the activities of the courts, the rights and legitimate interests of the citizen, achieving a fair trial, reforming the judicial system, introducing advanced international standards in the development strategy of the new Uzbekistan, the idea of "For the dignity of man", the interests of the people and human dignity, trust in the judicial system, impartiality of the courts, full digitization of the activities of the courts, the introduction of artificial intelligence technologies, improving interdepartmental electronic data exchange, remote participation in court sessions, artificial intelligence, accelerating and increasing the efficiency of court proceedings, analyzing data in the judicial system, AI algorithms.

**Keywords:** court, development, strategy, authority, fair trial, human, dignity, party, equality, impartiality, law, artificial intelligence, electronic information, court session, immunity, culture of communication, appeal.

Одамзод пайдо бўлибдики, унинг турмуш тарзи мунтазам ўзгариб келмоқда. Бу жараён дастлаб табиат ҳодисалари билан боғлиқ бўлган бўлса, кейинчалик эҳтиёжларни қондириш, вақтни тежаш ва бошқа енгилликларни яратиш учун инсониятнинг ўзи буни амалга ошириб келаётир. XXI асрда бу жараён ўзининг энг юқори чўққисига чикди, десак янглишмаган бўламиз. Бу даврнинг ўзига хос белгиларидан бири – сунъий интеллект (artificial intelligence – AI)нинг реалликка айланиб, ҳаётимизга кириб келиши бўлди.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда амалга оширилган суд-ҳуқуқ ислохотлари суд ҳокимияти мустақиллигини ҳамда судлар фаолиятида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш билан бир қаторда фуқаро ва тадбиркорларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш имконини берди.

Шу билан бирга «Янги Ўзбекистон — янги суд» тамойили доирасида аҳолининг одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишни жадаллаштиришни, соҳага илғор халқаро стандартларни жорий этишни талаб этмоқда.

\* 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ, шунингдек, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, судлар фаолияти самарадорлиги ва одил судлов сифатини ошириш мақсадида:

\* 2023 — 2026 йилларга мўлжалланган суд тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишнинг қисқа муддатли стратегияси доирасида қуйидагилар одил судловни таъминлашнинг устувор вазифалари этиб белгиланган:

\*«Инсон қадри учун» ғояси асосида чинакам адолатли суд тизимини шакллантириш ҳамда унинг фаолиятини халқ манфаати ва инсон кадр-қимматини самарали ҳимоя қилишга йўналтириш;

\*адолатли суд қарорлари қабул қилинишига эришиш орқали халқнинг, шу жумладан, тадбиркорларнинг суд тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаш, ҳар бир шахс суд ва судьялар сиймосида ўзининг ишончли ҳимоячисини кўришига эришиш;



Date: 27<sup>th</sup> October-2025



\*фуқаролар ҳамда тадбиркорларга ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини судларда ҳимоя қила олиши учун барча имкониятларни яратиш, суд ишларини юритишда тортишув ва тарафларнинг тенглиги тамойилларини тўлақонли рўёбга чиқариш, судларнинг ҳолислигини амалда таъминлашга қаратилган қонунчиликни такомиллаштириш;

\*судлар фаолиятини тўлиқ рақамлаштириш, сунъий интеллект технологияларини жорий этиш, идоралараро электрон маълумот алмашинувини яхшилаш, суд мажлисларида масофадан туриб иштирок этиш имкониятларини кенгайтириш;

\*судьяларнинг мустақиллиги ва дахлсизлиги кафолатларини кучайтириш, судга ҳурматсизлик қилиш ва суд ишига аралашуш ҳолатларининг олдини олиш бўйича самарали механизмларни ишлаб чиқиш;

\*суд қарорларининг қатъий ижросини таъминлаш, бу борада давлат органлари ва маҳаллий ҳокимликларнинг масъулиятини ошириш;

\*судьялар ва суд ходимларида юксак муомала маданиятини шакллантириш орқали судга мурожаат қилган ҳар бир фуқаро ва тадбиркорда суддан, пировардида эса давлатдан розилик ҳиссини уйғотиш<sup>11</sup>.

Ушбу Фармонда белгиланган стратегияларнинг ижроси уларок, Президентнинг бир қатор Қарорлари қабул қилиниб, ҳаётга жорий этилмоқда.

Жумладан; Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тугрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.10.2024 йилдаги ПҚ-358-сонли қарорида, «Ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларида сунъий интеллект технологияларини жорий қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизнинг сунъий интеллект технологияларидан фойдаланувчи дунёнинг етакчи давлатлари қаторига киришига эришиш» вазифаси қуйилган.

Унда; Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш бўйича эришиш лозим бўлган мақсадли кўрсаткичлар, шу жумладан:

- сунъий интеллект асосида яратилган дастурий маҳсулотлар ва кўрсатиладиган хизматлар ҳажмини 1,5 миллиард АҚШ долларига етказиш;

- Ягона интерактив давлат хизматлари порталида сунъий интеллект асосида кўрсатилаётган хизматлар улушини 10 фоизга етказиш;

- сунъий интеллект йўналишида фаолият юритувчи илмий лабораториялар сонини 10 тага етказиш ҳамда юқори қувватли ҳисоблаш серверларини ишга тушириш;

- Ҳукуматнинг сунъий интеллектга тайёрлик индексида (Government AI Readiness Index) Ўзбекистон Республикасининг биринчи 50 та ўриндаги давлатлар қаторига киришига эришиш<sup>12</sup> кузда тутилган.

<sup>11</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 16.01.2023 йилдаги ПФ-11-сонли Фармони «Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»

Date: 27<sup>th</sup> October-2025

Сунъий интеллект технологиялари суд фаолиятида бир қатор давлатларда жорий этилган. Масалан:

– АҚШда сунъий интеллект технологиялари суд жараёнларида, масалан, "Predictive Policing" (бошқа жиноятларнинг қайд этилишига асосланган жиноятларнинг такрорланишини башорат қилиш) ва "legal research" (ҳуқуқий тадқиқот) учун ишлатилади.

– АИ системалари, масалан, LexisNexis ва Westlaw, адвокатларга ҳуқуқий прецедентларни тезда топишда ёрдам беради. Бундан ташқари, АИ алгоритмлари судьяларга ишларнинг натижаларини тахмин қилишда ёрдам беради.

– Эстонияда суд тизимида автоматлаштириш ва электрон ҳужжатлар алмашинуви фаол равишда жорий этилган. АИ технологиялари суд жараёнларини тезлаштириш ва самарадорлигини ошириш учун ишлатилади.

– Канадада АИ технологиялари ҳуқуқий хизматларни автоматлаштириш ва самарадорликни ошириш мақсадида ишлатилади. Суд тизимидаги маълумотларни таҳлил қилиш учун АИ алгоритмлари фойдаланилади, бу эса судьяларга қарор қабул қилишда ёрдам беради.

– Сингапурда "AI in Legal Tech" дастурлари орқали сунъий интеллект технологиялари жорий этилган. Суд жараёнларида автоматлаштириш ва маълумотларни таҳлил қилиш учун АИ фойдаланилади, бу эса ишларнинг тезлиги ва самарадорлигини оширади.

– Германияда АИ технологиялари ҳуқуқий тадқиқотларда ва суд жараёнларида автоматлаштириш учун фойдаланилади. Судьялар ва адвокатлар учун маълумотларни тез ва аниқ таҳлил қилиш имконини беради<sup>12</sup>.

Ўзбекистон Республикасида ҳам суд-ҳуқуқ тизимида ҳам сунъий интеллект технологияларини жорий этиш борасида бир қатор амалий ислохотлар амалга оширилмоқда. 2025 йилнинг август ойида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Судлар фаолиятига сунъий интеллект технологияларини жорий этиш орқали одил судловга эришиш даражасини ошириш ҳамда суд тизимининг моддий-техник таъминотини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ПФ-140 сонли Фармони қабул қилинди.

Президент Фармонини таҳлил қиладиган бўлсак, мамлакатимизда «Рақамли суд» концепцияси босқичма-босқич амалга оширилади. Бунда, 2025 йил якунига қадар тажриба тариқасида Тошкент шаҳрида барча рақамли имкониятларни ўзида мужассам этган замонавий суд заллари ташкил этилади. Тажриба натижалари асосида концепция 2026–27 йилларда босқичма-босқич республиканинг барча судларда татбиқ этилади.

Ушбу фармонни қабул қилинишидан мақсад, ақлли технологияларни қўллаш орқали одамларнинг суддаги шахсий иштирокини максимал камайтириш,

<sup>12</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.10.2024 йилдаги ПҚ-358-сонли Қарори

<sup>13</sup> Интернет сайт маълумотлари.





Date: 27<sup>th</sup> October-2025

қоғозбозлик ва инсон омилини қисқартишиш орқали фуқароларга қўшимча қулайликлар яратиш кузда тутилган.

Фармонга кура, мамлакатда “Рақамли суд” концепцияси босқичма-босқич амалга оширилади. Бунда 2025 йил якунига қадар тажриба тариқасида Тошкент шаҳрида барча рақамли имкониятларни ўзида мужассам этган замонавий суд заллари ташкил этилади. Тажриба натижалари асосида “Рақамли суд” концепциясини 2026 – 2027 йилларда босқичма-босқич республиканинг барча судларда татбиқ этилади.

“Рақамли суд” концепцияси – суд жараёнлари самарали, тезкор ва шаффоф бўлишини таъминлашга қаратилган инновациявий ёндашув саналади. Замонавий технологиялар ёрдамида судларда иш юритувини оптималлаштириш орқали судларга бўлган ишончни янада ошириш, адолатни таъминлаш ва фуқаролар учун қулайликлар яратилади.

“Рақамли суд” концепцияси асосига бир қатор муҳим воситалар киради.

- Биринчи восита – электрон суд тизимлари. Бу ўринда суд ишларини электрон шаклда юритиш, ҳужжатларни онлайн тарзда топшириш, суд қарорларини рақамли форматда чиқариш ва электрон имзоларни қўллаш.

- Иккинчи восита – сунъий интеллект (AI). Судлар томонидан кўриб чиқиладиган ишларни таҳлил қилишда AI ёрдамида қарорлар қабул қилишда ёрдам бериш тақозо этилади. Масалан, AI судланувчиларни ёки ҳуқуқий масалаларни таҳлил қилишда ва олдиндан прогнозлар беришда қўлланилади.

- Учинчи восита – блокчейн технологияси. Суд қарорларининг шаффофлиги ва қонунийлигини таъминлаш учун блокчейн технологиясини қўллаш зарур. Бу технология суд ҳужжатлари ўзгаришининг олдини олиш ва уларни хавфсиз сақлаш имконини беради.

- Тўртинчи восита – видео конференциялар ва онлайн суд мажлислари. Суд жараёнларини масофадан туриб ўтказиш, шунингдек, гувоҳлар ёки тарафларни видео орқали тинглаш бугунги янги даврнинг муҳим талабларидандир.

- Бешинчи восита – маълумотлар базаси ва аналитика. Суд ишлари ва маълумотларни таҳлил қилиш орқали суд тизимининг самарадорлигини ошириш, кечикишларни камайтириш ва натижаларни аниқлашда муҳим ўрин тутди.

Бизнингча, Суд фаолиятида сунъий интеллект технологияларини жорий этишнинг ижобий томонлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Тезлик ва самарадорлик: Сунъий интеллект тизимлари маълумотларни тезда таҳлил қилиш ва қарор қабул қилиш жараёнини тезлаштириш учун ишлатилиши мумкин. Бу суд жараёнларини осонлаштиради ва уларни самаралироқ бошқаришга ёрдам беради.

2. Маълумотларни таҳлил қилиш: AI алгоритмлари катта ҳажмдаги маълумотларни (суд қарорлари, ҳуқуқий нормалар, прецедентлар) тез ва аниқ таҳлил қилиш имконини беради, бу эса судьяларга ва адвокатларга яхши маълумотли қарорлар қабул қилишда ёрдам беради.



Date: 27<sup>th</sup> October-2025



3. Хатоларни камайтириш: Сунъий интеллект инсоннинг хато қилиш эҳтимолини камайтириши мумкин, чунки у маълумотларни аниқ ва тизимли равишда таҳлил қилади.

4. Ижтимоий адолатни таъминлаш: AI технологиялари, агар улар тўғри тарзда жорий этилса, дискриминацияни камайтириш ва барча тарафларнинг ҳуқуқларини тенглаштиришга ёрдам бериши мумкин.

5. Ресурсларни тежаш: Сунъий интеллект суд тизимининг ресурсларини тежашга ёрдам беради, чунки у кўплаб вазифаларни автоматлаштириш орқали инсон ресурсларини оптималлаштиради.

6. Суд жараёнларининг шаффофлиги: AI технологиялари суд жараёнларини автоматлаштириш орқали уларнинг шаффофлигини оширишга ёрдам беради, бу эса жамоатчиликнинг ишончини оширишга олиб келади.

7. Таълим ва тренинг: AI технологиялари юридик соҳадаги мутахассисларга янги билимлар ва кўникмаларни ўрганишда ёрдам бериши мумкин, чунки улар муаммоларни самарали ҳал қилиш учун кўпроқ маълумотдан фойдаланиш имкониятини яратади.

8. Суд жараёнларини индивидуаллаштириш: AI технологиялари ҳар бир ишнинг хусусиятларига мос равишда индивидуаллаштирилган ечимларни таклиф қилиш имконини беради.

Ушбу ижобий томонлар суд фаолиятида сунъий интеллектнинг самарали жорий этилиши учун асос бўлиши мумкин.

Шу билан бирга, AI технологияларининг жорий этилишидаги юзага келиши мумкин булган муаммоларга ҳам тўхталишимиз лозим. Масалан, киритилаётган маълумотларнинг хусусияти - яъни, маълумотларнинг аниқ ва тугрилиги; алгоритмларнинг шаффофлиги – яъни, қарор қабул қилинишига сабаб булган омилларга ишончсизлик, мавҳумлик; инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш – яъни, дискриминация ва адолатсизлик, шахсий маълумотларнинг махфийлиги масалалари. Ушбу омиллар суд фаолиятида сунъий интеллектнинг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Сунъий интеллект технологиялари суд фаолиятида самарадорликни ошириш ва жараёнларни автоматлаштириш учун фойдали бўлса-да, юқоридаги муаммоларни инобатга олиш муҳим. Бу муаммоларнинг ечими учун шаффофлик, тўғри маълумотлар, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва алгоритмларнинг адолатли ишлашини таъминлаш керак булади деб ҳисоблаймиз.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. «Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 16.01.2023 йилдаги ПФ-11-сонли Фармони

**Date: 27<sup>th</sup> October-2025**

2. «Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.10.2024 йилдаги ПҚ-358-сонли Қарори
3. «Судлар фаолиятига сунъий интеллект технологияларини жорий этиш орқали одил судловга эришиш даражасини ошириш ҳамда суд тизимининг моддий-техник таъминотини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент Фармони ПФ-140 сонли 21.08.2025 йил.
4. Ҳумоюн Абдуразақов, Олий суд катта консултанти. <https://sud.uz/news-2025-02-28-1/>
5. Интернет сайт маълумотлари: Gazeta.uz, vaqt.uz, zamon.uz.
6. Саидисаков Саидахроп Саидакрамович. ТИЛ БИЛМОҚ-ЭЛ БИЛМОҚДИР. SO 'NGI ILMIY TADQIQOTLAR NAZARIYASI 7 (2), 191-194
7. Саидисаков Саидахроп Саидакрамович. Эмотивное значение и категория эмотивности. PEDAGOG RESPUBLIKA ILMIY JURNALI. www.bestpublication.org. 7 – ТОМ 2 – SON / 2024 - YIL / 15 – FEVRAL.198-203
8. Саидисаков Саидахроп Саидисакович. РОЛЬ ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИИ В ИЗУЧЕНИИ РУССКОГО ЯЗЫКА. O'ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI. 20.05.2025. 40-SON. 206 -211
9. Саидисаков Саидахроп Саидисакович. PEDAGOG RESPUBLIKA ILMIY JURNALI. "ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ИЗУЧЕНИИ РУССКОГО ЯЗЫКА". 8 – ТОМ 5 – SON / 2025 - YIL / 15 – MAY. 193-197
10. Chuboyeva Ozodaxon Kuvonbekovna. OILA- IJTIMOY TARAQQIYOT MANBAI. O'ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI. 20.06.2025. 41-SON. 364-367

